

**Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида 2024 йилда
ўтказилиши режалаштирилаётган республика миқёсидаги анжуман
АСОСНОМАСИ**

1. Анжуман мавзуси: Конденцирланган ҳолат физикасининг долзарб муаммолари ва янги юқори технологиялар Республика илмий-амалий анжумани (Республиканская научно-практическая конференция “Актуальные проблемы физики конденсированного состояния и новые высокие технологии).

2. Анжуман мақоми – Республика миқёсида.

3. Анжуманини ўтказиш учун асос бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармоишлари ва бошқа манбалар. Ушбу анжуман Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-2009 – сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 мартдаги “Физика соҳасида таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-5032- сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 январдаги “2022-2025 йилларда Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетини комплекс ривожлантириш” бўйича ПҚ-82 сонли қарори асосида ўтказилади.

4. Анжуман илмий йўналиши, мақсад ва вазифалари

Мазкур анжуманнинг илмий йўналиши конденцирланган муҳитлар физикаси ва муҳандислик физикаси соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш мавжуд муоммоларини таҳлил қилиш тадқиқот натижаларини таълим жараёнига татбиқ этиш асосида такомиллаштириш ва тегишли таклифлар тайёрлаш.

5. Муҳокама қилинадиган муаммолар:

Конференцияда қуйидаги масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилмоқда

- Конденцирланган ҳолат физикасининг долзарб муаммолари.
- Муҳандислик физикасининг долзарб муаммолари.
- Олий таълим тизимида кредит – модул тизимидаги муаммолар ва унинг ечимлари.

6. Ўтказиладиган анжуманнинг давлат илмий-техника дастурлари, халқаро илмий ҳамкорлик дастурлари билан боғлиқлиги. Конференция олимлар ва мутахассисларнинг ўзаро алоқалари ва физика фани йўналишида фундаментал ва амалий тадқиқотларни кенгайтиришга ёрдам беради. Бундай масалаларни ҳамкорликда ечиш Ўзбекистон олимларининг ўзаро илмий алоқаларини кучайтиради, бу эса асосан ёш олимларнинг илмий салоҳиятини янги сифатли даражага кўтаради. Анжуман мавзуси Давлат илмий техник дастурлари доирасида бўлиб, унда фан ва таълим уйғунлашишининг устувор томонлари муҳокама қилинади.

7. Анжуман натижалардан кутилаётган илмий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик:

1. илмий самарадорлик – анжуманда конденцирланган муҳитлар физикаси ва муҳандислик физикаси соҳасида мавжуд муоммоларини таҳлил қилиш ва тегишли таклифлар тайёрлаш.

2. ижтимоий самарадорлик – анжуман материаллари таълим ва тарбиявий ишларда қўлланилиши, шунингдек, монографик тадқиқотлар, илмий-оммабоп рисоалар тайёрлашни таъминлаш

3. иқтисодий самарадорлик – фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш орқали конденцирланган муҳитлар физикаси ва муҳандислик физикаси соҳасидаги кашфиёт ва ютуқларнинг амалиётда қўлланилишига катта эътибор қаратилади. Бу ўз навбатида олдиндан башорат қилинган физик хоссали янги материалларни яратиш

муаммосининг ижобий ечимини топишга асос бўлади ва юқори иқтисодий самарадорликка эришилади.

8.Илмий анжуманда ёш олимлар, мутахассислар, докторантлар ва магистрларнинг иштирок этиши. Ёш олимлар, изланувчилар, магистрлар ва иқтидорли талабалар анжуман йўналишига мос мавзулар бўйича иштирок этишлари мумкин.

9.Анжуман ўтказишда республикамізда мавжуд соҳа ташкилотларининг иштироки. Анжуманда республикамізда мавжуд олий таълим ва Ўзбекистон Республикасининг Фанлар Академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг конденсирланган муҳитлар физикаси ҳамда муҳандислик физикаси соҳасида илмий фаолият билан шуғулланувчи ходимлар катнашишга таклиф этиладилар.

Илмий ишлар ва

инновациялар бўйича проректор



Ҳ.Хушвақтов